

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Институтнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ:
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий
конференцияси**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(VI-қисм)

(2016 йил 19-20 февраль)

САМАРҚАНД – 2016

Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари / 2016 йил 19-20 февраль. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (VI-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2016. – 292 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, шу орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

Несмотря на принимаемые меры, необходимо продолжать процесс совершенствования нормативно-правовой базы функционирования малого бизнеса и частного предпринимательства сферы услуг с целью создания благоприятной деловой среды для осуществления хозяйственной деятельности субъектами данного сектора экономики.

Принимаемые дополнительные меры, прежде всего, должны быть направлены на устранение препятствий для ведения бизнеса в сфере услуг на стимулирование предпринимательской активности населения. Впредь, снижение налоговой нагрузки, с одной стороны, должно способствовать тому, чтобы предпринимательские субъекты инвестировали дополнительные ресурсы в расширение бизнеса, а значит создавать новые рабочие места, а с другой стороны, обеспечить не только рост благосостояния населения, но и стабильный и устойчивый экономический рост экономики.

Литература:


1. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год// Народное слово от 16.01.2016 г. – С.2.
2. Основные показатели коммерческих банков за 2014 г./ Статистический бюллетень Госкомстата РУз. – Ташкент, 2014 г.
3. Данные Министерства Финансов РУз за 2000-2015 гг.

Н.А.Ибрагимов – СамИСИ профессори, илмий маслахатчи,
А.Хабибуллаев – СамИСИ, МДМ-115-гуруҳ магистранти

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎЛАМИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлат бюджети ҳисобидан аҳолининг кенг қатламига кўрсатиб келинаётган молиявий хизматлар кўлами кундан-кунга ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борада эришилган ютуқ ва натижаларни таҳлил қилар эканмиз, энг аввало бюджетдан кам таъминланган аҳоли қатламига кўрсатилаётган молиявий хизматлар суръатининг ўсишига дуч келишимиз мумкин. Демократиянинг асосий тамойилларига тўла бўйсунадиган ислохатларнинг олиб борилиши натижасида мамлакатимизда бюджет маблағлари ҳисобидан турли хил аҳоли қатламини молиявий хизматларга эҳтиёжини қондириб келинаётганлиги ва бу борада талабга жавоб берадиган молиявий хизматларнинг қонуний-ҳуқуқий асоси яратилиши диққатга молик бўлмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кўлами кенгайди.

Айтиш жоизки, Республикамиз Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ва 2013 йил 17 апрелдаги «2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган эди ва бунинг натижасида авваламбор нафақат банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари, балки шу билан бирга бюджетдан кўрсатиб келинаётган молиявий хизматлар илдам суръатлар билан ривожланишига ва ўсишига эътибор қаратилди. Ушбу дастур 2016 йилгача мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улушни босқичма – босқич оширилишини назарда тутадиган 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрларини ўз ичига қамраб олади. Хизмат кўрсатиш соҳаси республикада 13 та асосий турлар бўйича тақсимланади. Улар: алоқа ва ахборотлаштириш, компютерни дастурлаштириш, молия (банк, суғурта хизматлари ва молиявий лизинг) транспорт, қурилиш, технологик ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича, қишлоқ хўжалик техникалари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, таълим ва соғлиқни сақлаш, туристлик, маиший ва бошқа хизмат турлари киритилган. Қабул қилинган дастур доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМга нисбатан ҳиссаси 2015 йилга келиб 54,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2011 йилнинг ушбу кўрсаткичига нисбатан 4,0 фоизга юқори бўлди (1-расмга қаралсин).



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМ даги улуши¹

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда яратилаётган Ялпи ички маҳсулотнинг сўнги яқин йилларда йиллик ўсиш суръати ўртача 8 фоиздан кам бўлмаганлигига қарамасдан, Ялпи ички

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди

маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси хиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодий-тимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади.

Бугунги кунда, банк, суғурта, лизинг, консалтинг, бюджетдан молиявий хизматлар ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар нафақат хусусий сектор ва кичик бизнес, шу билан бирга бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларини истеъмолчи (олувчи)лар ривожига хизмат қилмоқда. Умуман, бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда бюджетдан бюджет маблағларини олувчиларга хизмат кўрсатишни янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнгги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошди. 2012-2015 йилларда хизмат кўрсатиш корхоналарига 4 триллион 167 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилган. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 51,9 мингта лойиҳа амалга оширилган¹. Қишлоқ жойларда ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилган аҳоли массивларида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2013-2015 йиллар мобайнида қарийб 22 мингта лойиҳа ишга туширилган. Айни вақтда эса хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига хизматларни ислоҳ қилиш имкониятини яратмоқда. Ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш сифати ҳам тобора ошмоқда. Масалан, бугунги туман шифохоналари томонидан аҳолига кенг кўламда даволаш хизматлари кўрсатилмоқда. Табиийки, хизмат кўрсатиш объектларининг кўпайиши рақобатнинг ошиши ва хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келади. Юқорида қайд қилинган ҳолатларда эътироф этилган кўрсаткичларга эришганимизга қарамадан, кўрсатилаётган хизматлар доирасида сифатли кўрсаткичлар, айниқса чекка туман ва қишлоқ жойларда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига, республика аҳолисининг реал талабларига, мавжуд ресурслар ҳамда имкониятларга ҳали тўла мос келмаяпти. Айтиш лозимки, айрим жойларда ишга солинмаган анчагина захиралар мавжуд. Аниқроқ айтганда, яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан ҳамма жойда ҳам оқилона фойдаланилмаяпти. Шунингдек, қишлоқ тиббий пункти шифокорлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан боғлиқ хизматлар ҳамда даволанувчиларга дори-дармонлар билан хизмат кўрсатиш даражаси юқори эмас. Тадбиркорлар улар билан ҳеч қандай шартнома тузмасдан, қонуний меҳнат ташкил этмасдан, ўзлари хоҳлаган миқдорда хизмат ҳақи

¹ Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодий-тимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир». / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 й. 17 январ.

ушлаб қолмоқда. Натижада даволанувчиларга бюджетдан кўрсатилаётган моддий хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли бўлмай қолмоқда. Давлат томонидан берилаётган имтиёзлардан фойдаланиш имконияти чекланмоқда. Вақти келганда, пенсия олиш, ижтимоий ҳимояланиш борасида ҳам муаммолар келиб чиқади. Хўш, бу ҳолатни қандай бартараф этиш мумкин? Аввало, сервис ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган тиббий ёрдам хизмат кўрсатиш корхоналари, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, уларда ишлаётган ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак. Шунингдек, мазкур йўналишда мунтазам равишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозим, деб ўйлайман. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда хизмат тарифларини пасайтириш лозим.

Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз:

- Тиббий хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари (фирмалари)га бюджетдан молиявий кўламини кенгайтириш;
- Тиббий хизмат кўрсатувчи соҳа корхона ва микрофирмаларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини янада либераллаштириш ва имтиёзли кредитлаш тизимини такомиллаштириш;
- Тегишли ҳудудий ҳокимят органлари томонидан қулай тиббий хизмат кўрсатиш муҳитини яратиш, айниқса, шифохоналарга қарашли бўш ер ва биноларни ижарага беришда имтиёзлар яратиш шунингдек, электр энергетика таъминоти ва назоратини кучайтириш;
- Хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ҳудудий ва узоқ муддатли дастурини тузиб, унда тиббий хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарини ривожлантириш ва бу соҳани ривожланишини давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Д.К. Уразов – ассистент СамИЭС

СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ АУДИТОРСКИХ УСЛУГ КАК ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Одним из основных требований, предъявляемых к любым видам услуг, является профессионализм. Данное требование относится и к аудиторским услугам, выступающим в настоящее время одним из перспективных видов предпринимательской деятельности.

И так, что такое профессионализм в области аудита? В чем суть и значение профессиональных аудиторских услуг как специальной предпринимательской деятельности, оказываемой в настоящее время более сотнями субъектами в нашей стране?

Мирзаходжаев А.Б.	Особенности оценки эффективности деятельности гостиниц	133
III ШҶҒБА. «ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ, МАРКЕТИНГ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ»		
Зайналов Дж.Р., Саттаров Т.А.	Механизмы обеспечения стабильности развития предприятий сферы услуг в современных экономических условиях	137
Кодиров А.К., Гулуев П.	Совершенствование механизма стимулирования развития и укрепления финансового потенциала малого бизнеса сферы услуг	141
Ибрагимов Н.А., Хабибуллаев А.	Аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш кўламини ошириш истиқболлари	143
Уразов Д.К.	Сущность и значение профессиональных аудиторских услуг как предпринимательской деятельности	146
Хамраев М.С.	Повышение доступности финансово-банковских услуг и расширение качества обслуживания клиентов	152
Элмуродов Б., Зайналов Дж.Р.	Защита интересов участников ипотечного рынка	154
Худойбердиев Н.У., Эралиев А.	Ягона солиқ тўловида ички аудитнинг қўлланилиш тартиби	156
Ахроров З., Рахматуллаев Ф., Ибрагимов Н.А.	Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш имкониятлари	159
Ҳамраев М. С., Мухторов С. А.	Аҳоли ва хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари	162
Рузибаева Н.Х., Яхёнонов Н.	Хорижий инвестицияларни хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантиришдаги роли	165
Раджабова С., Зайналов Д.Р.	Развитие территориальных аспектов финансовой политики	167
Ходжимамедов А., Мухторов С., Зубайдуллаев Ф.	Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг истиқболли йўналишлари	171
Imamov N.P., Tashnazarova D.S.	Marketing's role in our society	174